

08-08/179-son

29 aprel 2024 yil.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги
ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши раиси
_____ М.Мамадиярова
" ___ " апрель 2024 йил

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2024 йил 29 апрель

Навоий шаҳри

- Раислик қилувчи:** - М.Мамадиярова-вилоят ҳокими
ўринбосари-оила ва хотин-қизлар
бошқармаси бошлиғи
- Иштирок этганлар:** - Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**2024 йилнинг биринчи чорак якунлари бўйича амалга оширилган
ишлар муҳокамаси ва иккинчи чорак давомида амалга оширилиши
лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида.**

(Мамадиярова, Кенгаш аъзолари,...., Мамадиярова)

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари - жамоатчилик Кенгаши раҳбари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ва йиғилишга таклиф этилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда оила ва хотин-қизлар қўмитасининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан ушбу ҳаракат олдида қўйилган топшириқлар ва вазифалар ҳақида батафсил тушунча берди.

Туман-шаҳарларда ва маҳаллаларда ташкил этилган “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида “Оқила аёллар”

ҳаракати аъзолари ҳудудларга бириктирилиши, масъуллар туман-шаҳар ҳамда маҳаллалардаги бошланғич гуруҳларни қисқа муддатларда шакллантириб, ўз ҳудудида янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш бўйича вазифаларга киришишлари зарур.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (Ғафоорова) “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларининг туман-шаҳарларга бириктириш жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. “Оқила аёллар” ҳаракатининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамиятни қуришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш;

аёллар, айниқса, ёш қизларда оилага ва Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, “одобли қиз” ва “маърифатли она” қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оила, оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалаларини ҳамда “Оила — муқаддас” тушунчасини кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириш;

туман-шаҳар ва маҳаллаларда Ҳаракат таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар ичидан очиқ овоз бериш йўли билан Ҳаракат (бошланғич гуруҳ) етакчисини сайлаш.

4. Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳлари “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар

маънавиятини юксалтириш йўналишидаги тарғибот-ташвиқот ишларида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

вилоят даражасида, вилоят ва туман (шаҳар) ҳамда маҳаллалардаги Ҳаракат фаолиятининг натижалари ҳар уч ойда камида бир мартаба муҳокама қилиб борилади;

туман-шаҳар “Оқила аёллар” ҳаракати етакчилари Ҳаракатнинг 2024 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режасини бандма-банд ижросини таъминлайди, амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни белгиланган тартибда вилоят “Оқила аёллар” ҳаракатининг Ишчи органига тақдим этиб боради.

6. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашининг барча аъзоларига “Оқила аёллар” жамоатчилик тузилмасига фаолиятига услубий-амалий кўмак бериш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларни тизимли ўрганиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.